

Тошкентда Туркий давлатлар ташкилоти муслмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг йиғилиши ўтказилади



10:57 / 24.11.2023 1437

Шу йилнинг 25 ноябрь куни пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти муслмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Кавказ муслмонлари идораси раиси, Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода, Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси, доктор Али Эрбош, Қозоғистон муслмонлари диний идораси раиси, бош муфтий Наврўзбай ҳожи Тағанули, Қирғизистон муслмонлари диний бошқармаси Уламолар кенгаши раиси Абдиманап Масалиев ҳамда Туркманистон муфтийси Ялкап Ходжагулиев, шунингдек, туркий давлатлар уламолари, диний соҳа вакиллари ҳам иштирок этади.

Анжуманда давлатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, диний идоралар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, шунинг билан бирга, кўп асрлик миллий ва диний анъаналаримизни кенг тарғиб этиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, диний идоралар раҳбарлари биргаликда замонавий фатволар ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш ва бугунги кунда

муслмон уммати учун муҳим бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикр ва мулоҳазалар алмашадилар.

Туркий давлатлар ташкилоти муслмон диний идоралари раҳбарлари йиғилишига ҳамоҳанг равишда Туркий давлатлар уламолари биринчи форуми ҳам ўтказилади.

Маълумот ўрнида, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида муслмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг илк тарихий йиғилиши 2022 йилнинг 15 апрель куни Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилди. 2022 йилнинг 21 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти муфтийлар кенгашининг Озарбайжоннинг Баку-Шуша шаҳарларида ўтказилган тарихий йиғилишида “Туркий давлатлар ташкилоти муслмон диний ташкилотларининг раҳбарлари кенгашини ташкил қилиш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Туркий давлатлар ташкилоти муслмон диний идоралари раҳбарлари кенгаши туркий дунёнинг диний идоралари ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлаш, глобал муаммоларга биргаликда ечим топиш ва Ислом дини софлигини асраш борасидаги имкониятларни бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аллоҳ таоло мазкур йиғилишларни хайрли, қардош халқлар ва бутун муслмон уммати учун манфаатли бўлишини насиб этсин!